

МИЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ СИФАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Давронбек Шарибжонович Рахимов

Фарғона давлат университети

Жаҳон ва минтақа иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси

ORCID – 0000-0002-1306-9942

davronbek.raximov87@gmail.com

Аннотация. Мақолада иқтисодиётда тармоқларининг ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш ривожланишини йўналиши сифатида ёндашув ишлаб чиқилади, саноат кооперацияси асосида амалга оширилаётган тайёр маҳсулотлар, саноатни юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: диверсификациялаш, саноат, ҳудудлар, саноат кооперация, тайёр маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсулотлари.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг меҳнат тақсимоотида тор доирага ихтисослашганлиги (жаҳон ва минтақа даражасида), жаҳон товарлар бозоридан йироқдалиги, паст транспорт инфратузилмаси кабиларни ажратиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Президентнинг Мурожаатномасида: 2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингга ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркорлиги, Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш” зарурлиги каби вазифалар кўрсатилди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Саноатнинг диверсификациялашуви ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида 1950 йилларнинг ўрталаридан интенсив ривожлана бошлаган янги ҳодиса ҳисобланади. Янги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига устувор инвестиция қўйилмаларининг Осиё, Европа ва Америка мамлакатлари томонидан амалга оширилиши оқибатида саноат ишлаб чиқаришининг диверсификация шароитидаги ижобий ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Ўзбекистонда ҳалигача ушбу соҳада тажриба етишмайди. Диверсификацияни намоён қиладиган хорижий тажрибани амалга оширишга айрим уринишларни ажратиш мумкин. Бироқ миллий саноат корхоналарида диверсификацияни қўллаш сифатини аниқлаш мураккаб.

“Диверсификация” тушунчасининг турли жиҳатлари турли хорижий

манбаларда акс этирилган. Ушбу ҳодиса мазмунининг мураккаблиги унинг кўп қирралилигини ҳамда республика ишлаб чиқариш шароитларига мослашувчанмаслигини ифодалайди. Шундай қилиб, кўплаб мамлакатлар қатори республика саноат ишлаб чиқаришининг ўрганилаётган жараёнини иқтисодий шароитлар орқали иқтисодиётга мослаштириш асосий вазифа ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда минтақалар саноатини диверсификациялаш жадаллашган жараёни заруратини белгиловчи кўплаб сабаблар баён қилинади. Бироқ иқтисодиёт тармоқларининг нотекис ривожланиши, стагнациялашган бозорларни тарк этишга интилиш ва юқори фойда нормасига эга бозорларга қайта ихтисослашиш ҳамда фан-техника тараққиётининг тезлашиши кабилар саноатни юқори кўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва янги бозорларни ўзлаштиришга ундайдиган, ушбу жараённи фаоллаштирувчи асосий шарт-шароитлар ҳисобланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил давомида республика саноат корхоналари томонидан 331,0 трлн.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси 106,6% ни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати 9,4% га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 0,3% га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 6,3% га ўсиши ҳисобланди, шунингдек, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатда 1,0% га пасайиш кузатилди.

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 43,1 трлн.сўмни ёки ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 13,0% ини ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан шағал 26,6%, каолин 29,3% га ошди, шу билан бирга, кўмир қазиб олиш 3,0% га, нефть 6,3% га, газ конденсати 2,2% га чақик тош 24,2% га, табиий газ қазиб олиш 1,6% га пасайган.

2019 йилда ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 264,4 трлн. Сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 79,9% ини ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,6% ни (2017 йил – 1,9%, 2018 йил -1,4%), ўрта юқори технологияли 25,3% (мос равишда 27,1%, 27,8%), ўрта куйи технологияли 37,5% (мос равишда 27%, 32,1%) ва куйи технологияли 35,5% (мос равишда 49,4%, 38,7%) ни ташкил этди.

Қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг ўсишида катта ҳиссани

республиканинг ўрта юқори технологияли тармоқлари киритди – 9,6%, 2018 йилга нисбатан унинг ўсиш суръати 138,8% ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигига тақдим қилинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш бўйича комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам республиканинг ўрта юқори технологияли ишлаб чиқариши маҳсулотларининг ўсишига олиб келди. Йирик корхоналар томонидан 2017 йилга нисбатан культиваторлар ишлаб чиқариши 64,5 мартага, тракторлар 3,4 мартага, дон ўриш комбайнлари ишлаб чиқариш 19,4% га ўсди

Саноат кооперацияси асосида амалга оширилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларини ошириш бўйича чора-тадбирларининг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади. Республика саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш Дастурини амалга ошириш ҳам ёрдам бериб, унинг доирасида 839 та лойиҳа бўйича 21,8 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат маҳсулотининг 6,6% ини ташкил этди. 549,4 млн. АҚШ долл.га тенг маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди, бу жами республика экспортининг 3,1% ини ташкил этди.

2017 йилга нисбатан 2018 йил давомида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 1,5 мартага ошди. Шу билан бир қаторда, 2017 йилга нисбатан экспорт камайиши ва янгитдан яратилган иш ўринлари сонининг ошиши қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари (январь-декабрь)

	2017	2018	2019
Лойиҳалар сони, бирлик	799	714	839
Корхоналар сони, бирлик	343	297	340
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд сўм.	9860,6	14999,4	21750,7
Экспортга сотилган маҳаллийлаштирилган маҳсулот, млн.АҚШ долл.	512,4	457,8	549,4
Яратилган янги иш ўринлари сони, бирлик	3018	1092	10038

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган омиллар сифатида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш,

ишлаб чиқарадиган саноат тармоғидаги ижобий ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Табиий газ қазиб чиқариш, газ конденсати ишлаб чиқариш, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғидаги ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқариши салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диверсификация ташкилий-иқтисодий хусусиятга эга, шу орқали корхоналарда рақобат устунликларини ривожлантириш учун асос ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашуви ҳар қандай корхона учун ташқи муҳитга боғлиқлик, бозорнинг янги эҳтиёжларини қондиришга тайёр бўлиш, бунинг оқибатида бозорнинг, тармоқ ва минтақаларнинг янги сегментларини эгаллаш учун замин яратади. Шундай қилиб, ҳар бир аниқ олинган корхона рақобат устунликларининг ривожланиши хом ашёсиз иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш бўйича давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш имконини беради.

Ҳар бир алоҳида корхона саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бутун иқтисодиётни диверсификациялашнинг таркибий қисми ҳисобланар экан, ушбу вазифани ҳал қилишга бўлган ёндашувлар ҳар бир аниқ вазиятда алоҳида бўлиши зарур. Мос равишда, шу каби стратегик қарорлар қабул қилишга юқори малакали мутахассисларнинг кўплаб миқдорда жалб қилиш зарур бўлиб, улар саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялашни қўллашнинг зарурий тажрибасига эга ҳисобланадилар.

REFERENCES

1. Raximov, D. S. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 199-207.
2. Рахимов, Д. Ш. (2021). САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИКАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Scientific progress*, 1(6), 505-511.
3. Рахимов, Д. (2019). Свободно-экономические зоны-расширение экспортного потенциала Узбекистана. *Архивариус*, (12 (45)), 42-44.
4. Raximov, D. (2021, December). Determined criteria for diversification in industrial enterprises. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 60-64).
5. Рахимов, Д. Ш. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА. In *МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ* (pp. 523-527).
6. Raximov, D. (2021, December). Determined criteria for diversification in industrial enterprises. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 60-64).
7. Рахимов, Д. Ш. (2021). Саноат ишлаб чиқариш тармоғида диверсификациялашган иқтисодий тизимларни яратишнинг жаҳон тажрибаси. *Хоразм Маъмун академияси*, 10(81), 262-265.

8. Рахимов, Д. (2018). Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини самарадорлигини ошириш. *Scienceweb academic papers collection*.
9. Рахимов, Д. (2018). Понятие региональной конкуренции и конкурентоспособности. *Scienceweb academic papers collection*.
10. Rakhimov, D. S. (2022). DIRECTIONS OF DIVERSIFYING INNOVATION PROCESSES IN THE INDUSTRY NETWORK. *World Economics and Finance Bulletin*, 16, 107-110.
11. Rakhimov, D. (2022). DIRECTIONS OF DIVERSIFICATION OF INNOVATION SYSTEMS IN THE INDUSTRY. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(1), 88-96.
12. Rakhimov, D. S. (2022). DIRECTIONS OF DIVERSIFICATION OF INNOVATION PROCESSES IN INDUSTRY. *FAN, TA'LIM VA AMALIYOTNING INTEGRASIYASI*, 3(6), 127-133.
13. Рахимов, Д. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI. *Scienceweb academic papers collection*.
14. Рахимов, Д. (2018). Тадбиркорлик фаолияти ижтимоий-психологик хусусиятларининг махаллай шароитда ўрганиш. *Scienceweb academic papers collection*.
15. Рахимов, Д. (2022). Саноатни диверсификациялаш иқтисодиётнинг муҳум омили. *Scienceweb academic papers collection*.
16. Рахимов, Д. (2015). Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш денденциялари. *Scienceweb academic papers collection*.
17. Рахимов, Д. Ш. (2021). Худуд саноатини диверсификациялашнинг инновацион стратегик мақсадлари. *Халқаро муқёсидаги илмий-амалий анжумани*, 1(1), 24-25.
18. Рахимов, Д. (2020). Саноат секторини ривожлантиришда диверсификациялашнинг стратегик йуналишлари. *Scienceweb academic papers collection*.
19. Рахимов, Д. (2021). САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҒИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШГАН ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИ ЯРАТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ. *Scienceweb academic papers collection*.
20. Рахимов, Д. (2015). Инвестицион хамкорлик корхона тараққиётининг омили сифатида. *Scienceweb academic papers collection*.
21. Рахимов, Д. (2013). Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий барқарорлигини оширишда тижорат банклари ўрни. *Scienceweb academic papers collection*.
22. Rakhimov, D. S. (2023). THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN PRIORITY DIRECTIONS OF INDUSTRY DIVERSIFICATION. *Publishing House "Baltija Publishing"*.
23. Рахимов, Д. Ш. (2022). THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN PRIORITY DIRECTIONS OF INDUSTRY DIVERSIFICATION САНОАТ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РОЛИ. *INFORMATION TECHNOLOGIES AND MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION AND SCIENCES*, 276.